O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 13 март, № 50 (4203) Сешанба

## МАВСУМГА ПЕШВОЗ



*Султонхон Қаландаровга деҳқончилик янгилик эмас. У мулкнинг ҳам, мулкдорнинг ҳам қадрига етадиган инсон. Оила аъзолари, ҳамқишлоқларини ёнига олиб фермер хўжалиги ташкил қилиш нияти туғилганида ҳам ана шу фазилати унга қўл келди.*

Султонхон ишни Наманган туманидан 30 гектар ер олиб деҳқончилик қилишдан бошлади. Фермер хўжалигига "Асрорбек-98" деб ном берди. Режа ва мажбуриятларнинг ортиғи билан бажарилиши унинг ҳам, қаторидагиларнинг ҳам дастини узун қилди. Туманда ўтказилган тендерда ғолиб бўлиб, жами 123 гектар ерга эга чиқишди. Нафақат имкониятлар, ишловчилар сони ҳам кенгайди. Биргина ўтган йили 63 гектардаги ғалланинг ҳар гектаридан 70, 60 гектар майдондаги пахтадан 45 центнердан ҳосил кўтарди. Пахта топшириш режаси 15 иш кунида бажарилди. Қозон ҳам, чўмич ҳам мойга тўлди.

— Ҳукуматимиз томонидан фермерларга яратилаётган имтиёзлар таҳсинга сазовор, — дейди Султонхон Қаландаров. — Ҳозирда ғўза қатор орасига ишлов берадиган 5 та тракторимиз, битта ҳайдов ва иккита транспорт тракторимиз бор. Ишчиларимиз учун барча шароитлар яратилган.

Дарвоқе, фермер тракторларнинг учтасини лизинг асосида сотиб олган. Бугун улар ўзларидан ортиб, қўшни фермерларга ҳам транспорт масаласида ёрдамлашаяпти. Фермернинг келажакдаги режалари улкан. Айни пайтда улар экиш мавсумига тайёргарлик кўриш билан бир қаторда кузги ғалла парваришини ҳам кўнгилдагидай ташкил этганлар.



СУРАТЛАРДА: лизинг асосида сотиб олинган тракторлар; механизаторлар Абдуллахон Жўраев ва Аҳмаджон Тошматов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

## КЎПЧИЛИК ҚЎЛ – УНУМИ МЎЛ

**Ҳашар халқимизнинг энг улуғ қадриятларидан саналади. Айниқса, қутлуғ кунлар олдидан уюштириладиган бундай тадбирлардан ҳар бир юртдошимиз четда қолмасликка ҳаракат қилади. Хайрли ишларга баҳоліқудрат ҳисса қўшишни ўз бурчи деб ҳисоблайди.**

Шу боис шанба ва якшанба кунлари уюштирилган Наврўзолди умумхалқ хайрия ҳашари ҳам ғоят кўтаринки руҳда ўтди. Ҳашарнинг биринчи кунида аксарият юртдошларимиз ўз иш жойларида меҳнат қилишган бўлса, якшанба куни каттаю кичик ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан банд бўлди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Минглаб турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Қабристонлар, зиёратгоҳлар обод қилинди. Кам таъминланган оилалар, беморларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Икки кун давом этган умумхалқ ҳашари куни биргина **Андижон** шаҳрида 136 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали, 276 минг туп гул кўчатлари ўтказилди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга 10 бош қорамол ҳадя этилди. **Самарқанд**да ҳашар янада оммавий тус олди. Унда 1 миллион 210 минг нафардан зиёд киши иштирок этиб, 2 минг гектарга яқин майдон ободонлаштирилди, бир ярим миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Кам таъминланган оилаларнинг уйлари ҳомий ташкилотлар, саҳоватпеша инсонлар томонидан таъмирлаб берилди. Ариқ ва зовурлар тозаланиб, йўллар тартибга келтирилди. **Фарғона**да ўтган ҳашар Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан ташкил этилган ободонлаштириш, улкан бунёдкорлик ишлари билан уйғунлашиб кетди. Шу куни фарғоналиклар Политехника коллежи ҳудудида боғ барпо этишган бўлса, **Қорақалпоғистон**нинг Элликқалъасидаги мовий Ақчакўл соҳилида баландлиги 16 метрли меъморий мажмуани бунёд этишга киришдилар. Шарқ меъморчилигининг энг сўнгги ютуқлари жамланган ушбу обидада Элликқалъанинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи ҳайкалтарошлик намуналарида ўз аксини топади. Ҳашар кунлари Отажон Худойшукуров номи билан аталувчи санъат коллежи қошида катта боғ бунёд қилинди.

Хайрли аньанага кўра мамлакатимизда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этдилар. Давлат арбоблари, депутатлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакилларидан иборат ҳашарчилар "Экосан" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги "Мева-шарбат" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Р.Шредер номли институти ҳудудида ташкил этилган "Дипломатлар боғи"нинг кенгайишига ҳисса қўшдилар. Шу куни "Экосан" ташкилоти Тошкент тумани аҳолисига 3 млн. сўмлик инсонпарварлик ёрдами топширди.

Ҳашар куни **Сурхондарё**да 1 млн. тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилди. Ҳашар доирасида ёшлар ва фахрийлар ўртасида спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди. Қумқўрғондаги "Сурхонкомбинат" ОТҲЖ корхонаси асосан "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўлини темир-бетон маҳсулотлари билан таъминлайди. Умумхалқ ҳашари куни мазкур корхонада 10 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилди. "Шўрчидон" корхонасида эса ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишларидан ташқари, корхонада ишлаб кетган фахрийлар, кам таъминланган оилалар йўқланиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Сурхондарё воҳаси деҳқонлари шу куни ерга дастлабки чигитни қадашди. **Жиззах** вилоятида ҳашар кунлари кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 21 минг 270 квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлари таъмирланди. 1 млн. тупдан зиёд мевали ва манзарали, 5 млн. туп гул кўчатлари экилди. 490 километр ҳажмдаги бетон ариқлар тозаланди.



Хулоса қилиб айтганда, икки кун давом этган умумхалқ ҳашарида мамлакатимизнинг 15 млн.дан зиёд аҳолиси фаол иштирок этди. Республика ишчи штабидан олинган маълумотларга кўра, шу куни 34 минг гектар майдон ободонлаштирилиб, 25 млн. тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилди. Кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга жами 400 млн. сўмликдан зиёд хайрия ва мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Ўзбекистон Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш **«Нуроний» жамғармаси** фаоллари эса «Фаробий» қабристонида аньанавий ҳашар ўтказдилар.

Умумхалқ ҳашари ҳақиқий меҳнат байрамига айланди. У дилларга қувонч, ўксик кўнгилларга юпанч олиб келди. Ҳашар сабаб, асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қадриятларимиз қадри нечоғли баланд эканлиги яна бир бор ўз аксини топди. Бу баҳорий кайфият, янги кун — Наврўзнинг бошланишидан дарак берарди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

**Мамлакатимизда Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида банк-молия тизимида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бултур мавжуд молиявий муассасаларнинг капитали 2000 йилдагига нисбатан 7,4 баравар ўсганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.**

## «Микрокредитбанк» – халқаро микромолиялаш маркази аъзоси

Айниқса, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш борасида олиб борилаётган ишлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 20 февраль куни мазкур банк Европа ва Ҳамдўстлик давлатлари Микромолиялаш марказининг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинди.

Таъкидлаш керакки, ушбу ташкилот 2001 йилда Варшава шаҳрида аҳоли учун микрокредит хизматларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирги кунда дунёнинг 53 давлатидаги юздан ортиқ молиявий муассасалар унинг аъзолари ҳисобланади.

Халқаро микромолиялаш марказига аъзо бўлиш эса банк фаолиятининг инфратузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилган техник грантларни олиш, республикамиз микромолиялаш ташкилотларининг кадрларини хорижда ўқитиш ва малакасини ошириш имконини беради.

Айни пайтда "Микрокредитбанк" томонидан халқаро молия институтларининг кредит линиялари ва грантларини жалб этиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Шу мақсадда БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси, жаҳон банки, Иқтисодий ривожланиш бўйича Германия жамғармаси вакиллари билан биргаликда музокаралар олиб борилмоқда. Ислом тараққиёт банки билан эса 4 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари очиш юзасидан меморандум имзоланди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## БАҒРИКЕНГЛИК – ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Ислом дини ва бағрикенглик: Ўзбекистон мисолида" мавзуида халқаро давра суҳбати ташкил этилди.*

Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан юртимизда амалга оширилаётган тадбирлар доирасида ўтган ушбу анжуманда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус, диний конфессиялар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мазкур университет ректори Ҳ.Кароматов, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Ш.Миноваров ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда халқимизнинг умрбоқий аньаналарини тиклаш, миллий ўзлик ва маънавиятни юксалтириш, бебаҳо маънавий меросни асраб-авайлаш ва чуқур ўрганишдек эзгу ишларга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш ҳамда диний бағрикенглик тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари М.Барри Лейн, Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Н.Иброҳим Каффофий, таниқли олим Э.Ртвеладзе Ўзбекистон ҳудудида неча минг йиллар мобайнида яратилган буюк маданий ва маънавий мерос бугун жаҳон аҳлида тобора катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидлади.

Асрлар оша турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро тотув ва аҳилликда яшаб келаётган мамлакатимиз дунёвий давлат бўлиши билан биргаликда ислом маданияти ва фалсафаси ривожига бемисл ҳисса қўшиб келаётган юртлардандир. Мамлакатимизда ислом илми ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган мутафаккирларнинг меросини ўрганиш, муқаддас қадамжоларни обод этиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир. Шу билан бирга, муқаддас ислом динини пок сақлаш, турли ғаразли хуружлардан ҳимоя қилиш, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик каби олижаноб фазилатларга уйғунлашиб кетган ислом динининг асл моҳиятини ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## НАВРЎЗ АРАФАСИДАГИ МУТОЛАА

### ёхуд сиёсатдаги собитлик тўғрисида сабоқлар

***Халқ чеккан азобни, у мубтало қилинган балоларни унутиб бўлмайди.***

***Агарки, шундай мусибатлар бошимизга бошқа тушмасин десак, тарихимизни ҳеч унутмаслигимиз лозим.***

**И. КАРИМОВ**

### Муқаддима

Бир кечада гуллаган бодом шохларига, ўрикларнинг бўртиб қолган куртакларига кўзимиз тушиши билан руҳимизда "баҳор" отлиқ илиқ, соғинтирган туйғу худди яшил майсалардек бош кўтаради. Эрта ўтиб индин юртга Наврўз кириб келиши, халқ кўча ва хиёбонларни, қир-адирларни тўлдириб, яйраб-яшнаб байрам қилишини ҳис этган юрак севинади. Беихтиёр шууринггa, одам бу дунёга фақатгина шу байрамни кўриш учун ҳам келса арзийди, деган ўй келади.

Дарҳақиқат, атроф-жавониб юртларни кузатиб, Наврўз дунёнинг бирор жойида биздагидек кенг ва астойдил байрам қилинмаслигига гувоҳ бўламиз. Бу байрам онг ва тушунчамиз, маънавий бисотимизга шу қадар сингиб кетдики, қачондир, кимдир унга қарши чиқиши ҳатто тасаввурга сиғмайдигандек туюлади. Ҳолбуки...

Ҳолбуки, бундан атиги 15-20 йил илгари халқимизни Наврўзидан айириш ишига бир бошли давлат машинаси сафарбар этилганди. Фақат Наврўзгина эмас, аксарият миллий-маданий қадриятларимизга қарши чинакам уруш эълон қилинган, иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан таланган халқнинг энди қолган-қутган маънавий мулкини ҳам ғорат қилиш ҳаракати бошланганди. Очиғи, ўша йиллари миллат руҳиятига тиқиштирилган дунёқараш ва мафкура ҳазилакам куч-қудратга эга эмасди...

Энди айтингчи: не-не аҳли донишларнинг ҳушини ўғирлаб, тилига буров солган бу мафкуравий машинага қарши туриш қанчалар матонат талаб қилишини тасаввур қиламизми? Бу машинани нафақат тўхтатиш, балки бутунлай маҳв этиш унча-мунча шахснинг қўлидан келмаслигини тан олиш эса одамдан фақат тасаввурнигина эмас, мардликни ҳам талаб қилади.

Ўрта ва катта авлоднинг айрим вакиллари учун бу кунлар хотираси изтироб ва аламлар ила кечса, бошқа бирлари кўнглида афсус ва надомат туйғусини қўзғаши табиийдир. Бироқ, юртнинг ёш авлоди оталари бошига тушган кўргуликларни аниқ биладиларми, юракдан ҳис қиладиларми? Улар узоқ ва яқин тарихнинг бу аччиқ ҳақиқатларидан бехабар қолса, маънавий илдизи нимжон, демакки, кўраётган кунига енгил-елпи қаровчи маърифий танбал кишилар бўлиб ўсмайдими? Шу маънода ёшларнинг дунё ишларига очиқ кўз билан назар ташлайдиган, яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан ажрата оладиган бўлиб ўсишлари учун, Юртбошимиз айтганларидек, "тарих билан қуролланишлари" ўта муҳим масаладир.

### Компартия сиёсати ва ... қисир қолган сигирлар

Яқин ўтган кунларимиз мазмун-моҳиятини белгилаган сиёсат, мафкура қиёфасига назар ташлар эканмиз, унинг қанчалар тамизсиз (бетамиз), принципсиз, уятсизларча ўзгарувчан, энг ёмони — халқ руҳиятига тубдан ёт бўлганига қайта-қайта гувоҳ бўламиз. Аслида сиёсат деганлари, мафкура деганлари, агар муайян бир халқ ёхуд миллат манфаати, орзу-интилишлари, қадриятларидан келиб чиқса, ўшаларга таянса, ўзининг собитлигига, қайтмас принципларига, ўзбекча қилиб айтганда, лафзига эга бўлиши керак эди. (Биз халқнинг айнан шундай сиёсат ва мафкурага, ниҳоят, эга бўлгани борасида кейинроқ тўхталамиз).

Шўро даври сиёсатининг, масалан, бизнинг миллат орзу-истакларига нечоғли бегона бўлганини шундан ҳам билсак бўладики, бу тузум дунё тарихидаги энг қадимги халқлардан бири бўлмиш ўзбек халқининг тириклик қонунларига мутлақо зид ишларни ҳеч бир сесканмай жорий этишгача бориб етарди. Фикримиз исботи учун кўплаб тарихий фактларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз, холос.

Ўтган асрнинг 80-йилларида энг юқори минбарларда туриб халқ ва унинг тарихига беписандлик кўрсатиш, ўзбекларга нисбатан нуқул "сен ҳеч қачон зиё кўрмагансан, ўтмишинг фақат ва фақат қора саҳифалардан иборат бўлган!" дея иддаолар қилиш одатий ҳолга айланган эди. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисдаги И.Усмонхўжаев доклади "ғоят эътиборли"дир:

***"Сув — ўлкамиздаги жамики тирик жоннинг моддий асосидир. Ўзбекистон ССР Давлат гимнида қуйидаги сатрлар бор:***

***Серқуёш ўлкада***
***кўрмасдик зиё,***
***Дарёлар бўйида***
***эдик сувга зор.***
***Тонг отди, инқилоб,***
***Ленин раҳнамо,***
***Раҳнамо Лениндан***
***халқлар миннатдор!"***

("Совет Ўзбекистони" газетаси, 1984 йил 9 декабрь сони.)

"Раҳнамо Ленин" ва у асос солган тузум шу қўшиқни куйлашга мажбур бўлган халқнинг энг сара фарзандларини қатағон қилгани, ўзининг ақлу тафаккур нури билан инсоният ҳаётини зиёга тўлдирган алломалари китобларини беармон ёққани, бу юртда пахта яккаҳокимлигини ўрнатиб, ягона денгизини ҳам қуритгани ҳисобга ўтмасди. Мафкуранинг сурбетлиги шу даражага бориб етгандики, номига "иттифоқдош республика" аталган мамлакат ўз давлат гимнида кушандасини мана шу тарзда мадҳ этишга маҳкум эди.

"Ҳар тонгда радио-телевидение орқали шу гимн янграйдиган кунларнинг бирида бизни область партия комитетига чақиришганди, — дея эслайди собиқ комсомол етакчиси бўлган опаларимиздан бири. — Ўша куни обкомдан олган кўпдан-кўп топшириқлар ичида, айниқса, иккитаси жуда ҳайрон қолдирадиган хилидан эди.

— Ҳаммангиз Афғонистонда хизмат қилаётган йигитларимизга хат ёзадиган қизларнинг рўйхатини уч кун ичида тузиб топширасизлар, — деганди обком вакили. — Сизларга очиғини айтишим мумкин — у ёққа кетганларнинг аксариятининг қайтишидан кўра қайтмаслиги аниқроқ. Шундай экан, хат ёзадиган қизлар уят-пуятни йиғиштириб қўйиб, ўшаларнинг кўнглини оладиган, чалғитадиган, жанг олдидан қўрқувини унуттирадиган гапларни ёзаверишсин. Хатга, албатта, ўша қизнинг чиройли расми қўшиб жўнатилиши керак. Ҳар бир хат мазмуни учун бошингиз билан жавоб берасизлар. Йиғилишдан кейин районларингиз бўйича хат ёзиладиган солдатлар рўйхати, адреслари қўлингизга бериладиди...

Яна бир топшириқ шундан келиб чиқадики, жойларда янгича тўйларнинг ягона сценарий остида ўтишига, озми-кўпми, эришган бўлсак, дафн маросимлари диндорлар —

(Давоми 2-3-бетларда).

## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати хабар қилади:

Жиззах вилояти прокуратураси ва Миллий хавфсизлик хизматининг вилоят бошқармаси томонидан 2007 йил 6 март куни вилоят хўжалик судининг судьяси А. Кахоров Ғаллаорол туманидаги «Ойбек» фермер хўжалигининг фойдасига туман машина трактор паркидан 10 млн. 600 минг сўмлик моддий зарарни ундириш тўғрисидаги хўжалик иши бўйича даъвони қаноатлантириш эвазига фермер хўжалиги иш юритувчиси А. Абдураимовдан 300 минг сўм пора олаётганда ушланган.

Мазкур ҳолат бўйича А. Кахоровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда Жиззах вилояти прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## ЭШИТДИНГИЗМИ?

**TACIS лойиҳасининг «Менежерлар учун Европа Иттифоқи мамлакатларида тажриба ўрганиш Дастури» доирасида 2000 йилдан шу кунгача республикамизнинг 164 вакили кўҳна қитъа давлатларида тажриба ўрганиб қайтишди. 2008 йилнинг ўрталаригача эса яна 117 ҳамюртимиз менежерлик тажрибасини ўрганиш учун Европага боради.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

**Якшанба куни Россиянинг 14 та ҳудудида маҳаллий вакиллик органларига сайлов бўлиб ўтди.** Дастлабки маълумотларга кўра, «Единая Россия» партияси олдинги ўринда бормоқда.



**Грузия ҳукумати Кадор дарасидаги қишлоқ Абхазия томонидан оғир артиллерия ва вертолётлар ёрдамида бомбардимон қилинганлигини маълум қилди.** Расмий Сухуми ва Москва ушбу воқеага алоқадорликни рад этиб баёнот берди. Грузия ТИВ вакили, мазкур хунрезлик юзасидан айни пайтда текшириш ишлари олиб борилаётганлигини билдирди.



**Калифорнияда ўнлаб километр масофани кучли ёнғин қамраб олди**. Кучли шамол тилсиз ёвни тўхтатишга тўсқинлик қилмоқда. 500 та оила воқеа жойидан эвакуация қилинди. Учта хонадон ёниб кетганлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Маҳаллий полиция ёнғин сабабларини ўрганмоқда.

**Мадридда 11 март воқеаларига уч йил тўлиши муносабати билан қурбонлар хотирасига ёдгорлик қурилди.** 2004 йил 11 март куни электропоездда юз берган портлаш оқибатида 191 киши ҳалок бўлганди, 1700 нафардан ортиқ аҳоли жароҳатланганди.



**Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт ва Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос якшанба куни кечқурун Қуддусда учрашишди**. Икки етакчи жорий ойда икки маротаба юзма-юз суҳбатлашди. Улар яқин кунларда тузиладиган Фаластин миллий ҳукумати таркиби юзасидан маслаҳатлашмоқда. Бироқ Эхуд Ольмерт мазкур ҳукумат Исроилни тан олмас экан, мухторият билан музокаралар ўтказмаслигини билдирди.

**Франция Президенти Жак Ширак аҳолига телевидение орқали мурожаат қилиб, учинчи муддатга президентлик учун кураш олиб бормаслигини таъкидлади.** Мамлакатда 22 апрель куни сайловлар ўтказиш белгиланган. Таҳлилчилар сайловда Франция ички ишлар вазири Николя Саркозининг ғолиб чиқишини башорат қилмоқда.



**Бағдодда икки маротаба портлаш юз берди**. Маҳаллий полиция вакилининг сўзларига кўра, 40 киши қурбон бўлган. Тинч аҳоли вакиллари хунрезликларнинг авж олишида мамлакат ҳукуматини айблади. Уларнинг фикрича, ҳукумат зўравонликларнинг олдини олишга қарши ҳеч қандай чора кўрмаяпти.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2007 йил манзил дастурига асосан Сирдарё вилояти, Сардоба тумани ичимлик сувтаъминлаш тизимини тўлиқ қуриб битказиш шарти билан реконструкция қилиш учун пудрат**

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Объект қурилиши бошланғич нархи** — *287 557,82 минг сўм.*

**Қурилишни тўлиқ қуриб битказиш муддати** — *4 ой.*

**Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.**
**Телефон: (8-3672) 27-63-86.**

**Иншоотларни қуриш буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар танлов савдоси предмети қийматининг 20 фоизи миқдорида ҳисоб рақамларида айланма маблағлар бўлиши, агар бўлмаса шу миқдорда банкдан кредит бериш кафолатномаси, қурилиш ишларини бажариш учун зарур материал, техника ва ишчи ресурсларига эга бўлишлари, ўхшаш объектлар қуриш тажрибасига эга бўлиши, малакали мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан эълон чоп этилгач, 30 кун мобайнида савдо ташкилотчиси — Сирдарё вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Тел./факс: (8-3672) 27-64-84.**

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади ва унинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*

318Н/425

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!

RUBEZH
ADI International

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

НАДЕЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ

Охранно-пожарная контрольная панель управления (пр-ва России) - 8-40 зон : от 108 000 сум

Датчики дымовые оптико-электронные (пр-ва России): от 10 000 сўм



ЕВРОПЕИСКОЕ КАЧЕСТВО - ПРОВЕРЕННОЕ ВРЕМЕНЕМ
по цене от 11 000 сум за датчик Is215 и 150 000 сум за панель SYS2316

Товар сертифицирован

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz, vinlad@vinlad.uz
Web-site:www.vinlad.uz

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лицензия КМ № 000390 (проектирование).

245R/293

*ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!*

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

2007 йил 10 апрель куни соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Миробод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2006 йил 25 декабрдаги 13738/4-сонли ижро ҳужжатга асосан, «Тошкент темир йўл масофаси» корхонасида сақланаётган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 5599 ЕР бўлган «МОАЗ-546-П» русумли автоскрепер воситаси. ***Бошланғич нархи — 73 367 000 сўм.***
2. Миробод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2006 йил 25 декабрдаги 13740/4-сонли ижро ҳужжатга асосан, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 30R 1793 бўлган, «Джип Гранд Чероки» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич нархи — 39 159 000 сўм.***

Ушбу автотранспорт воситалари 2007 йилнинг 10 апрелда бўлиб ўтадиган илк аукцион савдоси куни сотилмаган тақдирда, аукцион савдолари 2007 йилнинг 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май ва 5, 7 июнь кунлари давом эттирилади.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу автотранспорт воситаларини суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин.

Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Республика кўчмас мулк биржасининг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев к., 1-«А» уй.**
**Телефонлар: 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.**

**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия DB 001 №000004.**

320Н/249

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ



ОЛИЙ ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛИ, ЭНЕРГЕТИКА ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА 5 ЙИЛ МЕҲНАТ СТАЖИГА ЭГА БЎЛГАН МУТАХАССИСНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 199-70-97.

316Н/

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси «Турсервисстандарт» сертификатлаштириш органи директори Фарида Бойкога турмуш ўртоғи

**Сергей БОЙКОнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти ректорати ва жамоаси

**Серафима Васильевна МУТАЛИБОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Ходимлар бўлими бошлиғи Назира Муҳамедовага падари бузруквори

**САИДМУХТОР отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# МУТОЛАА

## ёхуд сиёсатдаги собитлик тўғрисида сабоқлар

билан изоҳланади. Яъни бу фақат ном ўзгариши бўлиб қолмай, қадриятлар, дунёқараш ва ҳаёт тарзини, том маънода миллий ўзликни ўзгартириш, янаям аниқроғи — уни маҳв этишга қаратилган тадбир эди.

Бир сўз билан айтганда, манфур мафкуранинг қонли болтаси бу сафар халқ маънавияти илдизларининг энг тубига — ўқ томирига урилганди!

... Албатта, халқ орасида зиёлилар кўп эди. Уларнинг бир қисми ҳоким сиёсат мусиқасига жўр бўлишдан ор қилмаган бўлса, бошқа қисми бу қилмишларга ич-ичдан нафрат назари билан боқди. Бироқ, қудратли мафкура машинасини тўхтатишга ҳеч ким жазм қила олмас, тўғрироғи, бу иш оддий зиёлининг қўлидан келмас ҳам эди...

### "Биз ичкарини мустаҳкам қилишимиз керак!"

Айни шу ўта оғир, ҳар томонлама таҳликали, республика ҳаёти ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам руҳий таназзул жарлиги лабига етиб келган паллада ўзбек халқи ва юрти бошига Ислом Каримов келди.

*"... — Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!*

*Фарғона фожиаларидан кейин Сизга қанчайин оғир, мушкул, таҳликали мерос насиб этганлиги маълум. Бунинг устига, яхши ният билан бошланган қайта қуриш сиёсати кутилганидан тескари натижалару оқибатларга олиб келди. Мамлакатда ҳамма жиҳатдан парокандалик рўй берди. Сизнинг раҳбарлик даврингиз ана шу вақтга тўғри келди. Ўз фаолиятингизни қандай шарҳлайсиз ва баҳолайсиз?*

**— Раҳбарлар фаолиятига аввало халқ баҳо беради. Ундан кейин эса вақт, тарих. Фақат шуни айтмоқчиманки, нимаики қилган бўлсам одамларга яхши бўлсин деган туйғу, руҳ, умид, ният билан қилганман.**

**Менинг раҳбарлик йилларим энг оғир даврга тўғри келди. Бунга саволнинг ўзида ҳам жавоб бор. Озгина адашиш, қалтис қадам бутун жумҳуриятни издан чиқариб юбориши мумкинлигини доим англаб турдим."**

("Бизнинг ўз йўлимиз бор". Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод И.А.Каримовнинг "Халқ сўзи" рўзномаси саволларига жавоблари. "Халқ сўзи" газетаси, 1991 йил 18 декабрь сони.)

Дарҳақиқат, ўша кунлари халқ ҳам қорнига, ҳам қадрига йиғларди. Одамларда нафақат олис келажакка, балки эртанги кунга ҳам ишонч деярли қолмаган, миллат пароканда бўлиб кетиш хавфи остида турарди. Ўша йиллари бир-биридан чигал иқтисодий, сиёсий муаммоларнинг қандай ҳал этилгани алоҳида тадқиқотлар мавзуси бўлгани туфайли биз бугун фақат маънавий-маърифий соҳанинг айрим йўналишларига тўхталамиз, холос.

Юқорида шўро давлати энг сўнгги кунларигача ўзбек халқининг ғурурини топташ, уни камситиш ва ерга уриш сиёсатини бўшаштирмаганига гувоҳ бўлдик. Янги раҳбар эса фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ўз халқига нисбатан ҳукм сураётган мана шундай таҳқирловчи муносабатга барҳам бериш, халқнинг эзғиланган руҳиятини кўтариш, унинг миллий ғурури ва ўз кучига ишончини қайта тиклашга қаттиқ бел боғлади:

*" — Наврўз байрами вақтида Сиз узундан-узоқ нутқлар сўзламасдан, Тошкент бўйлаб юрдингиз, одамлар билан учрашдингиз: гурунглашдингиз, тингладингиз, янги ресторанни очдингиз ва кўчат ўтқаздингиз...*

**— Байрамда халқ билан бирга бўлиш қийин эмас. Қашшоқликка ва адолатсизликка дучор бўлган, шунинг оқибатида ҳокимият намояндаларига тош отаётган кишилар билан учрашиш қийинроқ..."** (Ўз. КП МК биринчи котиби, Ўзбекистон Президенти И.Каримов билан "Аргументы и факты" газетасининг мухбири Д.Макаров суҳбатидан. "АиФ", 1991 йил, 15-сони.)

Дарҳақиқат, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий муаммоларнинг оғир юки остида қолган, йил — ўн икки ой пахта ортидан юриб, қишнинг чилласигача даладан бери келмай "оқ олтин" етиштирган, бунинг эвазига "ўғри" деган ном олиб, қамоққа ташланган халқ кайфиятини ўзгартириш, унинг ишончини қозониш осон иш эмас эди. Бу ишонч эса қуруқ гап билан қозонилмасди. Ҳар куни аввал ойлар давомида қилинмаган ишни уддалаш, юзлаб муаммоларни амалий ҳал этишга тўғри келарди.

**"Инсоннинг гулдек тўкилмаслиги, тошдек қотмаслиги у яшаган мамлакатнинг тақдири билан боғлиқ. Ҳар икки тақдир бутун бўлиши учун бу юртнинг раҳбари энг аввало одамлар ҳақида ўйлаши даркор.**

**Маълумки, ҳар қандай қалъа ичидан олинади. Демак, биз ичкарини мустаҳкам қилишимиз керак. Бунинг учун ёшлар қалбига юртга садоқат, катталарга ҳурмат, тарихга меҳр, келажакка умид туйғулари уруғини сочишимиз лозим..."** ("Халқ сўзи" газетаси, 1991 йил 18 декабрь сони.)

Агар шўро ҳукумати эълон қилган фармон ва қарорлардан, протоколу буйруқлардан халқнинг кўнгли совуб битган, одамлар "янги ҳужжат яна нимани маън қиларкин, энди кимларни бадном этаркин?" дея безиллаб қолган бўлса, 1990 йилдан эътиборан эълон қилинган ҳар бир расмий ҳужжат аҳоли турмушининг у ёхуд бу соҳасига недир янгилик, яхшилик, енгиллик олиб кира бошлади. Йиллар давомида юрт тепасида ўтириб уни хонавайрон қилган, бу ҳам етмагандек, марказдагиларга яхши кўриниш илинжида ўз халқини кўтарасига сотган собиқ раҳбарларнинг "иш принципи"га чек қўйилди. Ҳали мустақиллик эълон қилинишидан аввалоқ бутун эътибор мамлакат ва миллат тақдирини асраб қолишга қаратилди. Бунинг учун эса одамларга томорқаси учун ер, пахтаси учун пул, тижорати учун бозордан жой ажратилиши билан бирга, улар, аввало, инсон экани, қолаверса, дунёдаги энг қадимги миллатлардан бирининг вакили экани тўғрисидаги тушунча, бундан фахрланиш лозим экани тўғрисида туйғу берилди:

**"Биз юртимизни чин юракдан севиб, унга кўнгил қўйганларни ҳам ва аксинча бизнинг тарихимизни, тилимизни, урф-одатларимизни, улуғ маданиятимизни ҳеч қачон билмаган ва билишни истамайдиганларни ҳам тушуниб етдик.**

**Сиёсий, иқтисодий ва маънавий эркинликка эришиш, жумҳуриятимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида гуноҳсиз жабр тортган авлодларимиз, одамларимиз шаънини, номини, ор-номусини тиклаш борасида сўнгги йилларда қилинган ишларни халқимиз қўллаб-қувватлади... Одамларнинг қадди ростланди."** (Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Президенти И.А.Каримов маърузасидан. "Ўзбекистон овози" газетаси, 1991 йил 1 сентябрь сони.)

**"Инсон шаъни, қадр-қиммати, орияти, ҳуқуқлари topталган юртдан кут-барака қочади. Йигитнинг хуни юз танга, орномуси минг танга деган тарихий гапимиз бор.**

**Ҳеч кимнинг кўнгли оғримаслиги учун курашган раҳбар ўз халқининг ишончини йўқотмайди. Буюк мутафаккирларимиз инсон қалбини оғритишни каъбага ўт қўйиш, қуръонни куйдиришдан ҳам оғир гуноҳ ҳисоблаганлар..."** ("Халқ сўзи" газетаси, 1991 йил 18 декабрь сони.)

Шу тариқа "ўзбеклар шўро келгунига қадар қуёшли ўлкада нурга зор бўлган халқ эди" қабилидаги



етмиш йиллик камситувчи пропагандага кескин барҳам берилди. Бунинг тубдан акси — миллий маънавият ва маданиятга дахлдор борки қадриятлар асраб-авайланиши, эъзозланиши ва энг муҳими — улардан фойдаланиш халқнинг устувор ҳуқуқи экани таъкидланди. Бу йўналишда ҳатто асрлар давомида мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилдики, собиқ шўро республикаларининг бирортасида бундай кўламдаги иш ҳали ҳозиргача қилингани йўқ!

**"Бизда "аввало иқтисод, кейин сиёсат" деган тушунча бор. Лекин иқтисодни англаш, тўғри бошқариш учун нима керак? Сиёсат керак, маънавият керак. Шу сабабли ҳам биринчи қадамни халқ қадриятларини тиклаш, одамлар тафаккуридаги қуллик кишанини йўқотиш, уларда ўзларига ишончни мустаҳкамлашдан бошладик".** (И.Каримов. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясидаги нутқидан. "Ўзбекистон овози" газетаси, 1991 йил 21 ноябрь сони.)

Собиқ шўро республикаларидаги аксарият раҳбарлар ишни нимадан бошлаш, қачон қайси муаммони ҳал этиш, кимдан андаза олиш борасида калаванинг учини топа олмай турган бир пайтда, Ўзбекистонда халқ руҳиятидаги қудратни уйғотиш, унга ўзлигини англатиш, топталган ғурур ва ориятни қайта тиклаш сиёсати маҳкам тутилди:

**"Маданиятсиз миллатнинг қон томири кесилгандир. Шу сабабли ҳам доим бизни маданиятсиз қолдиришга интилганлар. Аммо халқимизнинг маданиятини оёқ ости қилолмадилар, қилолмайдилар ҳам!**

**Бу Самарқанд гумбазлари, Бухоро миноралари, Хива қалъасининг садосидир. Ана шу садога эш бўлиб, қадриятларимизни тикладик. Наврўзимиз қайтди. Удумларимиз, урф-одатларимиз тикланди. Халқимиз руҳияти, кайфияти кўтарилди. Руҳи, кайфияти юксак ва аъло халқгина ўзлигини йўқотмайди.**

**Эндиги мақсад маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимизни умумбашар майдонига олиб чиқишдир. Бир вақтлар дунёнинг уйғониши (ренесанс) бошланган замин яна ўша юлдузли қояга кўтарилиши керак".** ("Халқ сўзи" газетаси, 1991 йил 18 декабрь сони.)

Даҳрийликни байроқ қилган, одамлар қалбидаги имон-эътиқодга ювуқсиз панжалари ила тажовуз солган атеистик мафкурага ҳаётнинг барча жабҳаларида барҳам берилди. Кўп миллатли ва кўп конфессияли жамият ҳисобланмиш Ўзбекистон давлатида барча динларнинг эркин амал қилиши, фуқароларнинг виждон эркинликларидан тўлиқ фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди, жумладан, ислом дини ва у билан боғлиқ жамики эзгу қадриятлар ҳаётга қайтди:

**"Ислом — покланиш, руҳий қудрат олиш, қалбан уйғониш манбаидир. Шу пайтгача бизга дин афъюн деб келишди. Диндорлар қувғин қилиндилар. Ота-онасига жаноза ўқитганлар жазога тортилдилар. Хуллас, не ҳунарлар кўрсатмасинлар, ислом яшашдан тўхтамади. Нега? Чунки у бизнинг онгимиз, шууримиз, ҳаётимиз, борлиғимиздир...**

**Биз келгусида дин олдидаги тўсиқларни олиб ташлаймиз. Биринчи қадамлар қўйилмоқда ҳам".** ("Халқ сўзи" газетаси, 1991 йил 18 декабрь сони.)

Эътибор бераётган бўлсангиз, биз мақолада Ўзбекистон Президентининг мустақилликка қадар ва унинг дастлабки кунларида билдирган фикр-мулоҳазаларини келтирмоқдамиз. Бу билан биз аниқ мақсадни кўзлаяпмиз, албатта. Яъни Юртбошимиз раҳбарликка келгач, фаолиятининг биринчи кунларидан бошлаб ўз олдига қандай мақсадларни қўйган эди-ю, уларга эришиш йўлида босқичма-босқич қандай ишларни амалга оширганини холис солиштириб кўриш учун замондошимизга имконият яратмоқдамиз.

Мақола аввалида шўро даври сиёсати ва мафкураси табиатига зўравонлик, таҳдид, шафқатсизлик, халқ орзу-истаклари билан ҳисоблашмаслик сингари ҳалокатли хусусиятлар хос экани тўғрисида айтдик ва бу фикр исботи учун айрим мисолларни келтирдик ҳам. Энди мана шу нуқтаи назардан Президентимиз фикрлари, ғоялари, қарашлари, ният ва интилишларидаги собитлик, аниқлик, мақсадга йўналтирилганлик, энг асосийси – халқ табиатига садоқат, барча масалаларда фақат ва фақат унинг манфаатларидан келиб чиқишлик сингари принципларга аҳамият берайлик. Қолаверса, бу ғоя ва қарашлар, юқорида таъкидланганидек, шунчаки омма кўнглини олиш, унга яхши кўриниш учун айтилмай, балки ҳар бир қараш, ғоя ва мақсад ҳаётга тўла татбиқ этилгани билан ҳам қимматли ҳисобланади.

Буни биргина Наврўз байрамининг қайта тикланиши мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Аввало, шўро даврида давлат миқёсида таъқиқланган байрамнинг энди давлат миқёсидаги саъй-ҳаракатлар билан ҳаётга қайтарилиши эзгулик тантанасига аҳоли ўртасида заррача шубҳа қолмаслигида, энди бу байрам ортида фақат халқ эмас, балки унинг тақдири учун жон куйдирувчи давлат раҳбарияти ҳам турганини халқимиз ҳис қилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Қолаверса, шўро даврида Наврўз пана-панада, ортиқча ошкор қилинмасдан, қисиниб-қимтиниб нишонлангани туфайли халқнинг кўплаб удумлари, фольклор намуналари, халқ амалий санъати гўзалликлари унутилаёзган, уларни қайта тиклаш учун ҳам, айниқса дастлабки йилларда, айнан давлат эътибори талаб қилинарди.

Юртбошимиз ҳар йили байрамга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш билан боғлиқ ижодий-ташкилий масалалар билан қизиқар экан, бу байрамни сиёсийлаштириш, расмиятчилик қобиқларига солиш мутлақо мумкин эмаслигини, аксинча, Наврўз айнан миллий қадриятлар байрами, тобора ўзлигини англаб бораётган халқнинг завол билмас маданияти намойиши бўлиши лозимлигини уқтиради. Ана энди худди шу нуқтаи назардан республикамизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланаётган Наврўзимизга назар ташланг. Ахир ўтган йиллар давомида шу байрам муносабати билангина қанчадан-қанча эзгу урф-одатларимиз, халқимизнинг асрий куй-қўшиқлари, либосу жиҳозлари, ҳар бир вилоятгагина эмас, ҳар бир туман ва қишлоққа хос удумлар қайта ҳаётга келмадими?

Агар миллат руҳиятини уйғотишга қаратилган бу матонатли ва журъатли ҳаракатлар, гувоҳи бўлганимиздек, мустақилликдан илгариёқ бошланмай, бошқа давлатлардаги сингари энди-энди эсга келганида бугунги маънавий қиёфамиз отаси устидан Хрущевга арз қилмоқчи бўлган пионерларникидан қанчалар фарқ қилар эди?..

Буни қарангки, мустақиллигимизнинг илк ойларида — республика халқи ва раҳбарияти олдида ечилиши лозим бўлган улкан муаммолар турган бир пайтда собит ишонч билан қилинган башорат орадан 15 йил ўтиб ўз ижобатини топди:

**"Ёлғиз гул ёз эмас, ёлғиз дарахт боғ эмас. Бирлашсак борми, ёз ҳам, боғ ҳам бизники! Ўшанда бизни синдиролмайдилар, ўлдиролмайдилар, йўқ қилолмайдилар, аксинча — қудратимизга қойил қоладилар ва бизни тан оладилар!"** (И.Каримов. "Бизнинг ўз йўлимиз бор". "Халқ сўзи" газетаси, 1991 йил 18 декабрь сони.)

**Улуғбек ЖАМШИД ўғли.**

